1. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов Академияси “Касбий кўникмалар” кафедраси мудир Ш.Ҳақназаров томонидан тайёрланган “Суд-тергов фаолияти Психологияси” номли ўқув қўлланмани Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашда кўриб чиқишга тавсия этиш тўғрисидаги Ш.Ҳақназаровнинг ахбороти маълумот учун қабул килинсин.

2. “Суд-тергов фаолияти Психологияси” номли ўқув қўлланма нашрга ва Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашда кўриб чиқишга тавсия этилсин.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **ўчинчи масала** юзасидан сўзни Фуқаролик-ҳуқуқий фанлар кафедраси доценти, ю.ф.д Ф.Мухитдиновага берди.

Ф.Мухитдинова: Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси Х.Ёдгоровнинг умумий таҳрири остида муаллифлар: Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси Фуқаролик-ҳуқуқий фанлар кафедраси доценти, ю.ф.д Ф.Мухитдинова ва Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьяси Г.Зиганшиналар томонидан “Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш бўйича низолар юзасидан суд амалиёти” номли амалий қўлланма тайёрланган.

Ушбу амалий қўлланма фуқаролик ишлари бўйича судларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан боғлиқ низоларни ҳал этишда, ҳуқуқий муносабатларни тушунтириш, амалда қўлланиладиган тартиб-таомиллар, асослар ҳамда суд амалиётида учрайдиган муҳим жиҳатларни ёритиш мақсадида тайёрланди. Қўлланмада Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига таянган ҳолда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини ҳал этишда амалий йўриқномалар берилган.

Мазкур қўлланма болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг соғлом ривожланиши ва ҳавфсиз муҳитини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий чораларни тўғри қўллашга қўмаклашади.

Амалий қўлланмадан судьялар, судьялик лавозимига номзодлар, суд аппарати ходимлари, прокуратура органлари ходимлари, васийлик ва ҳомийлик органлари мутахассислари, ички ишлар органлари ходимлари, адвокатлар, ҳуқуқшунослар, маҳалла ва фуқаролар йиғини масъул ходимлари, ижтимоий соҳа ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи мутахассислар, ота- оналар ҳамда қонуний вакиллар, талабалар фойдалниши мумкин. Қўлланма ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона ёндашувни шакллантириш ва бола манфаатларини устувор равишда таъминлашга хизмат қилади..

Бундан ташқари, Академия кенгаши йиғилишига қадар Кенгаш аъзолари ҳам мазкур амалий қўлланма билан олдиндан танишиб чиқишлари учун Кенгаш котиби Ф.Мадиев томонидан барча Кенгаш аъзоларига қўлланманинг электрон шакли тақдим этилган.

Ҳурматли кенгаш аъзолари, амалий қўлланмага ижобий тақризлар олинганлиги, шу билан бирга ушбу масала кафедра мажлисида ҳам кўриб чиқилганлигини эътиборга олиб уни нашрга ва Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашда кўриб чиқишга тавсия этишни тасдиқлаб беришингизни сўрайман.

Ф.Мухитдинова ўз фикрини яқунлагандан сўнг, раислик қилувчи мазкур масала юзасидан кимда қандай таклиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди.

Шундан сўнг, раислик этувчи Кенгаш аъзоларидан “Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш бўйича низолар юзасидан суд амалиёти” номли амалий қўлланмани нашрга тавсия этиш масаласини очиқ овозга қўйди.

Тарафдорлар -15 та; қаршилар – 0; бетарафлар – 0.

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси Фуқаролик-ҳуқуқий фанлар кафедраси доценти, ю.ф.д Ф.Мухитдинова ва Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьяси Г.Зиганшиналар томонидан тайёрланган “Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш бўйича низолар юзасидан суд амалиёти” номли амалий қўлланма нашрга тавсия этиш тўғрисидаги Ф.Мухитдинованинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш бўйича низолар юзасидан суд амалиёти” номли ўқув қўлланма нашрга ва Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашда кўриб чиқишга тавсия этилсин.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **ўн биринчи масала** юзасидан сўзни “Жиноят-ҳуқуқий фанлар кафедраси” кафедраси мудир Т.Обидовга берди.

Т.Обидов: Ҳурматли кенгаш аъзолари, мен “Соғлиққа қарши жиноятлар таҳлили” номли ўқув қўлланма тайёрладим. Ушбу қўлланма Ўқув қўлланма бугунги кундаги суд амалиёти кенг ўрганилиб, мавзуга оид назарий ёндашувлар ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича тайёрланган умумлаштиришлар натижаларидан келиб чиқиб тайёрланди. Қўлланма соғлиққа қарши жиноятлар, уларнинг турлари, квалификация қилишда аҳамиятга олинаши лозим бўлган мезонларни ўз ичига олган.

Ўқув қўлланма Одил судлов академиясининг “Касбий қайта тайёрлаш курси” Жиноят ҳуқуқи ихтисослиги тингловчилари, судьялар малакасини ошириш курслари тингловчилари, магистрлар ва докторантлар шунингдек, суд амалиётида фойдаланиш учун мўлжалланган

Мазкур ўқув қўлланма кафедрада муҳокама қилинган. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси кафедра мудири, ю.ф.д., профессор И.И.Насриев, Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси кафедра ўқиувчиси, ю.ф.ф.д.(PhD) З.Р.Омоновлар томонидан ижобий тақризлар берилган.

Бундан ташқари, Академия кенгаши йиғилишига қадар Кенгаш аъзолари ҳам мазкур ўқув қўлланма билан олдиндан танишиб чиқишлари учун Кенгаш котиби Ф.Мадиев томонидан барча Кенгаш аъзоларига қўлланманинг электрон шакли тақдим этилган.

Ҳурматли кенгаш аъзолари, ўқув қўлланмага ижобий тақризлар олинганлиги, шу билан бирга ушбу масала кафедра мажлисида ҳам кўриб чиқилганлигини эътиборга олиб уни нашрга ва Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услугий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашда кўриб чиқишга тавсия этишни тасдиқлаб беришингизни сўрайман.

Т.Обидов ўз фикрини яқунлагандан сўнг, раислик қилувчи мазкур масала юзасидан қандай тақлиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди.

Шундан сўнг, раислик этувчи Кенгаш аъзоларидан “Соғлиққа қарши жиноятлар таҳлили” номли ўқув қўлланмани нашрга рухсат олиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услугий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашда кўриб чиқишга тавсия этиш масаласини очиқ овозга қўйди.

Тарафдорлар -15 та; қаршилар – 0; бетарафлар – 0.

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов Академияси “Жиноят-ҳуқуқий фанлар кафедраси” кафедраси мудири Т.Обидов томонидан тайёрланган “Соғлиққа қарши жиноятлар таҳлили” номли ўқув қўлланмани Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услугий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашда кўриб чиқишга тавсия этиш тўғрисидаги Т.Обидовнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Соғлиққа қарши жиноятлар таҳлили” номли ўқув қўлланма нашрга ва Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича

ўқув-услугий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашда кўриб чиқишга тавсия этилсин.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **ўн иккинчи масала** юзасидан сўзни “Жиноят-ҳуқукий фанлар кафедраси” кафедраси мудир Т.Обидовга берди.

Т.Обидов: Ҳурматли кенгаш аъзолари, Мен ва Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси тингловчиси, ю.ф.ф.д.(PhD) Д.А.Анварова томонидан “Судьялик лавозимига номзодлар учун савол-жавоблар” услубий тавсиянома томонидан тайёрланган.

Мазкур услубий тавсиянома “Конституциявий ҳуқук”, “Жиноят ҳуқуқи” ҳамда “Жиноят процессуал ҳуқуқи” фанларининг ўқув дастури асосида тайёрланган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқук ислохотларнинг конституциявий асослари, жиноят ҳуқуқи ҳамда жиноят процессуал қонунчилик институтларининг мазмунмоҳияти савол-жавоб тарзида ёритилган. Ушбу услубий тавсиянома Одил судлов академиясининг “Қасбий қайта тайёрлаш курси” Жиноят ҳуқуқи ихтисослиги тингловчилари, судьялар малакасини ошириш курслари тингловчилари, магистрлар ва докторантлар учун мўлжалланган.

Бундан ташқари, Академия кенгаши йиғилишига қадар Кенгаш аъзолари ҳам мазкур услубий тавсиянома билан олдиндан танишиб чиқишлари учун Кенгаш қотиби Ф.Мадиев томонидан барча Кенгаш аъзоларига қўлланманинг электрон шакли тақдим этилган.

Ҳурматли кенгаш аъзолари, услубий тавсиянома ижобий тақризлар олинганлиги, шу билан бирга ушбу масала кафедра мажлисида ҳам кўриб чиқилганлигини эътиборга олиб уни нашрга ва Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услугий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашда кўриб чиқишга тавсия этишни тасдиқлаб беришингизни сўрайман.

Т.Обидов ўз фикрини яқунлагандан сўнг, раислик қилувчи мазкур масала юзасидан қандай тақлиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди.

Шундан сўнг, раислик этувчи Кенгаш аъзоларидан “Судьялик лавозимига номзодлар учун савол-жавоблар” услубий тавсиянома нашрга тавсия этиш масаласини очиқ овозга қўйди.

Тарафдорлар -15 та; қаршилар – 0; бетарафлар – 0.

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Одил судлов Академияси Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. “Судьялик лавозимига номзодлар учун савол-жавоблар” услубий тавсиянома нашрга тавсия этиш тўғрисидаги Т.Обидовнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Судьялик лавозимига номзодлар учун савол-жавоблар” услубий тавсиянома нашрга тавсия этилсин.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **ўн учинчи масала** юзасидан сўзни Иктисодий-ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси Р.Бердияровга берди.

Р.Бердияров: Ҳурматли кенгаш аъзолари, мен "Тадбиркорлик субъектларини солиқ органларининг қонунга ҳилоф ҳаракатларидан фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя қилиш" номли ўқув қўлланма тайёрладим. Ушбу қўлланма солиқ органларининг қонунга ҳилоф ҳаракатларидан тадбиркорлик субъектларини фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг назарий асослари, ҳуқуқий тартибга солиш механизмлари ва суд амалиётидаги масалаларига бағишланади. Унда тадбиркорлик субъектларини давлат органларининг қонунга ҳилоф ҳаракатларидан ҳимоя қилишнинг генезиси, ушбу муносабатдаги асосий тушунчалар, қонунчилик асослари, солиқ органлари ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш, мансабдор шахсининг ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) қонунга ҳилоф деб топишнинг сивилистик мазмуни, хорижий мамлакатлар тажрибаси, суд амалиётидаги ўзига хос жиҳатлари, солиқ органларининг қонунга ҳилоф ҳаракатлари ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат қабул қилганлиги учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масалалари ёритилади. Ўрганилган ҳар бир мавзу юзасидан назорат саволлари ва тест саволлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар мавзуларни ўзлаштиришга кўмаклашади.

Мазкур ўқув қўлланма кафедрада муҳокама қилинган. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси доценти в.б. ю.ф.ф.д., (PhD) Э.К.Сабилов ва ТДЮУ Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси доценти в.б. ю.ф.ф. (PhD) С.Тожибоевлар томонидан ижобий тақризлар берилган.

Бундан ташқари, Академия кенгаши йиғилишига қадар Кенгаш аъзолари ҳам мазкур ўқув қўлланма билан олдиндан танишиб чиқишлари учун Кенгаш котиби Ф.Мадиев томонидан барча Кенгаш аъзоларига қўлланманинг электрон шакли тақдим этилган.

Ҳурматли кенгаш аъзолари, ўқув қўлланмага ижобий тақризлар олинганлиги, шу билан бирга ушбу масала кафедра мажлисида ҳам кўриб чиқилганлигини эътиборга олиб уни нашрга ва Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услугий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашда кўриб чиқишга тавсия этишни тасдиқлаб беришингизни сўрайман.

Р.Бердияров ўз фикрини яқунлагандан сўнг, раислик қилувчи мазкур масала юзасидан қандай тақлиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди.

Шундан сўнг, раислик этувчи Кенгаш аъзоларидан "Тадбиркорлик субъектларини солиқ органларининг қонунга ҳилоф ҳаракатларидан фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя қилиш" номли ўқув қўлланмани нашрга рухсат олиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услугий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашда кўриб чиқишга тавсия этиш масаласини очиқ овозга қўйди.

Тарафдорлар -15 та; қаршилар – 0; бетарафлар – 0.

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов Академияси Иқтисодий-ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси Р.Бердияров томонидан тайёрланган “Тадбиркорлик субъектларини солиқ органларининг қонунга ҳилоф ҳаракатларидан фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя қилиш” номли ўқув қўлланмани Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашда кўриб чиқишга тавсия этиш тўғрисидаги Р.Бердияровнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Тадбиркорлик субъектларини солиқ органларининг қонунга ҳилоф ҳаракатларидан фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя қилиш” номли ўқув қўлланма нашрга ва Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашда кўриб чиқишга тавсия этилсин.

Раислик этувчи кун тартибидаги **ўн тўртинчи масала** юзасидан сўзни “Маъмурий суд ҳужжатлари намуналари” номли амалий қўлланма муаллифларидан бири Б. Самарходжаевга берди.

Б.Самарходжаев: Ассалому алайкум. Ҳурматли устозлар ушбу амалий қўлланма “Маъмурий ҳуқук” кафедрасининг 2024-2025 Ўқув йилига мўлжалланган иш режасига мувофиқ тайёрланган. Амалий қўлланма 3 бобдан иборат. Амалий қўлланмада маъмурий судлар томонидан қабул қилинадиган суд ҳужжатлари намуналари, уларга қўйилган талаблар, услубий ва техник жиҳатлари очиқ берилган.

Жумладан, I бобида суд ҳужжатлари тушунчаси, хусусан, суд ажрими, ҳал қилув қарорларига қўйилган талаблар, уларнинг стилистикаси, қабул қилинишига оид нормалар шарҳланган бўлиб, ҳар бир суд ҳужжатлари бўйича амалиётдан келиб чиқиб суд ҳужжатларининг жамланма намунаси яратишга ҳаракат қилинган. Бундан ташқари, суд ҳужжатларини қабул қилишда ўзбек адабий тил услубларининг ўрни, суд ҳужжатлари матнини тузишдаги ҳатоликлар каби суд ҳужжатларини тузишда эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар тушунтириб берилган.

II бобида, асосан, маъмурий судларда биринчи инстанция судида иш юритиш жараёнида қабул қилинадиган суд ҳужжатлари намуналари келтирилган. Жумладан, аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзгатиш тўғрисидаги ажримлардан бошлаб, аризани иш юритишга қабул қилишни рад этиш, аризани қайтариш, ишга мутахассис жалб қилиш, далилларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ажримлар, иш юртишни тиклаш тўғрисидаги, суд

муҳокамасини кейинга қолдириш тўғрисидаги, ҳал қилув қарорини тушунтириш тўғрисидаги ёки тушунтиришни рад этиш тўғрисидаги, ишни кўриш чоғида қабул қилинадиган хусусий ажримлар, дастлабки ҳимоя чораларини қўллаш тўғрисидаги ажримни ижро этиш тўғрисидаги, қўшимча ҳал қилув қарорлари каби биринчи инстанция судлари томонидан қабул қилинадиган муҳим суд ҳужжатларининг намунасини келтириш орқали, уларга қўйилган шаклий ва мазмуний талаблар амалий қўлланмада акс этган.

III бобида юқори инстанция судларида иш юритиш жараёнида қабул қилинадиган суд ҳужжатларининг намуналарини келтириб ўтиш орқали бундай турдаги ҳужжатларни тушунтириб беришга ҳаракат қилинган. Бунда асосан, апелляция, кассация ва тафтиш инстанциялари томонидан қабул қилинадиган суд ҳужжатларининг намуналари келтириб ўтилган. Мисол учун, ишни биринчи инстанция судида иш юритиш қоидалари бўйича кўриб чиқишга ўтиш тўғрисидаги ажрим, дастлабки ҳимоя чораларини кўриш тўғрисидаги ажрим, апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида, кассация протестини иш юритишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим, қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари юзасидан чиқариладиган ажрим, тафтиш шикоятини қайтариш тўғрисидаги ажрим, тафтиш инстанциясининг қарори каби муҳим суд ҳужжатлари намуналари камраб олинган.

Амалий қўлланмага Ўзбекистон Республикаси Олий суди судяси Д.Каримов ҳамда Навоий вилоят маъмурий суди раиси А.Муродовлардан ижобий тақриз олинган.

Б.Самарходжаев ўз фикрини яқунлагандан сўнг, Раислик этувчи мазкур масала юзасидан кимда қандай фикр-мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлис иштирокчиларига мурожаат қилди. Мажлис иштирокчиларида қўшимча таклиф ва мулоҳазалар бўлмади. Шундан сўнг, раислик этувчи Кенгаш аъзоларидан “Маъмурий суд ҳужжатлари намуналари” номли амалий қўлланмани нашрга тавсия этишни ёқлаб овоз беришларини сўраб, очик овозга қўйди.

Тарафдорлар - 15 та; қаршилар – 0; бетарафлар – 0.

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Б.Самарходжаевнинг “Маъмурий суд ҳужжатлари намуналари” номли амалий қўлланма тўғрисида берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. “Маъмурий суд ҳужжатлари намуналари” номли амалий қўлланма нашрга тавсия этилсин.

Раислик этувчи кун тартибидаги ўн бешинчи масала юзасидан сўзни Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси К.Миршаевага сўз берди.

К.Миршаева: Хурматли Кенгаш аъзолари! Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.12.2019 йилдаги 1030-сон Қарорининг 17¹ бандига мувофик “Қўшимча ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимларнинг аризаларини умумлаштириш ва коллегиял орган йиғилишида кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тайёрлаш бўйича ишчи комиссия таркиби ҳар йили декабрь ойида Коллегиял орган қарори билан камида етти кишидан иборат этиб тасдикланади” деб белгиланган. Шу боис, Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси К.Миршаева мақсадида ишчи Илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ белгилаш бўйича комиссияси раислигига Д.Арипов, комиссия аъзолигига Н.Жураев, Х.Азизов, Қ.Турсунов, И.Палванов, А.Давронов ва комиссия котибилига К.Миршаеваларнинг номзоди таклиф қилинган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб Одил судлов академиясининг Қўшимча ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимларнинг аризаларини умумлаштириш ва Кенгаш йиғилишида кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тайёрлаш бўйича ишчи комиссия таркиби тасдиқлаб беришингизни сўрайман,

К.Миршаева ўз фикрини яқунлагандан сўнг, раислик қилувчи мазкур масала юзасидан кимда қандай таклиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди.

Шундан сўнг, раислик этувчи Кенгаш аъзоларидан Одил судлов академиясининг Қўшимча ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимларнинг аризаларини умумлаштириш ва Кенгаш йиғилишида кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тайёрлаш бўйича ишчи комиссия таркиби тасдиқлаш масаласини очик овозга қўйди.

Тарафдорлар -15 та; қаршилар – 0; бетарафлар – 0.

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси К.Миршаеванинг Одил судлов академиясининг Қўшимча ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимларнинг аризаларини умумлаштириш ва Кенгаш йиғилишида кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тайёрлаш бўйича ишчи комиссия таркиби шакиллантириш ҳақидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Одил судлов академиясининг Қўшимча ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимларнинг аризаларини умумлаштириш ва Кенгаш йиғилишида кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тайёрлаш бўйича ишчи комиссия раислигига Д.Арипов, комиссия аъзолигига Н.Жураев, Х.Азизов, Қ.Турсунов, И.Палванов, А.Давронов ва комиссия котибилига К.Миршаева тасдиқлансин.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **ўн олтинчи масала** юзасидан сўзни Девонхона ва архив мудири М.Комилжоновга берди.

М.Комилжонов: Хурматли Кенгаш аъзолари! Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг архив иши ва иш юритиш соҳасидаги эксперт комиссияси тўғрисида низом тасдиқланиши мақсадга мувофиқ.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг архив иши ва иш юритиш соҳасидаги эксперт комиссиялари макоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди. Эксперт комиссияси Академияда ҳужжатларнинг, шу жумладан бошқарув (иш юритиш), илмий-техника ва бошқа махсус ҳужжатларнинг қимматлилигини аниқлаш экспертизасини ўтказиш ва ҳужжатларни архив сақловига топширишга тайёрлаш бўйича услубий ва амалий ишларни олиб боровчи, ўз ишини жамоатчилик асосида олиб борадиган доимий фаолият юритувчи маслаҳат органи ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ҳужжатларининг қимматлилигини аниқловчи доимий фаолият кўрсатувчи эксперт комиссияси таркибига таклифлар келиб тушган. Хусусан, Комиссия раиси сифатида Одил судлов академияси проректор в.в.б – Д.Арипов, комиссия аъзолгига Магистратура факультети декани – Н.Жўраев, Бош бухгалтер – Қ.Турсунов, Кадрлар бўлими бош мутахассиси – К.Ганибаев, Инсон ҳуқуқлари, халқаро ҳуқуқ ва ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчиси, ташкилот касаба уюшмаси раиси – З.Амиров, Юрист вазифасини бажарувчи – А.Давронов, Хўжалик бўлими бош мутахассиси – вакант, Хўжалик ишлари мудирлари – Х.Абдуназаров ва Комиссия котибилига Девонхона ва архив мудирлари – М.Комилжоновларнинг номзоди келиб тушган.

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг архив иши ва иш юритиш соҳасидаги эксперт комиссияси тўғрисида низом ва эксперт комиссияси таркиби Кенгаш аъзоларига танишиб чиқиш учун жунатилган. Шу жиҳатдан, мазкур тартибни тасдиқлаб беришларингизни сўрайман.

Н.Комилжонов ўз фикрини яқунлагандан сўнг, раислик қилувчи Н.Комилжоновнинг ахбороти юзасидан қандай таклиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди. Кенгаш аъзоларида кўшимча фикр ва мулоҳазалар бўлмади.

Шундан сўнг, раислик қилувчи Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг архив иши ва иш юритиш соҳасидаги эксперт комиссияси тўғрисида низом ва эксперт комиссияси таркибини тасдиқлаш масаласини очик овозга қўйди.

Тарафдорлар -15 та; қаршилар – 0; бетарафлар – 0.

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ :

1. Девонхона ва архив мудирлари М.Комилжоновнинг Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг архив иши ва иш юритиш соҳасидаги эксперт комиссияси тўғрисида низом ва эксперт комиссияси таркиби ҳақидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг архив иши ва иш юритиш соҳасидаги эксперт комиссияси тўғрисида низом 9 иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг архив иши ва иш юритиш соҳасидаги эксперт комиссияси таркиби 10 иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Мазкур арор ижросини назорат қилиш Одил судлов академияси проректор в.в.б Д.Арипов зиммасига юклатилсин.

Кенгаш котиби:



Ф.Мадиев